



20 20y « 2 » ИЮЛЬ

№ Қ-305

« » 20 г.

Жарқўрғон тумани “Олтиндон кўрғони” массиви “Нефтчи” маҳалласи ҳудудидан “JARQO’RG’ON YOSHLAR ITTIFOQI” ишлаб чиқариш кооперативига сабзаот-полизчилик йўналишида фойдаланиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/362-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 11 июндаги 89/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/362-сон йиғилиш баёни 3-банди ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 18 майдаги Қ-759-сон қарори тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Олтиндон кўрғони” массиви “Нефтчи” маҳалласи ҳудудидан “JARQO’RG’ON YOSHLAR ITTIFOQI” ишлаб чиқариш кооперативига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 208қ, 210қ, 209қ ва 300-дала контурларидаги жами 28,4 гектар шундан 27,7 гектар яйлов, 0,7 гектар ариқ ва зовурлар, 0,7 гектар йўллар ва 0,3 гектар бошқа ерлар билан банд бўлган ер майдонлари сабзаот-полизчилик йўналишида фойдаланиш учун ижарага фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов